



## ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН МОЛ-МУЛКЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ, СОТИШ ЁКИ ЙЎҚ ҚИЛИБ ТАШЛАШ ТАРТИБЛАРИ

АРЗИЕВ АҲРОРБЕК АНВАРОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Мажбурий юронинг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи  
Адлия катта маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
академияси, Магистратура босқичи Прокурорлик фаолияти  
йўналиши

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11192195>

### ARTICLE INFO

Received: 9<sup>th</sup> April 2024

Accepted: 11<sup>th</sup> May 2024

Published: 14<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

лицензия, кимошди савдоси,  
сертификатлаш,  
истеъмолчи, баҳолаш  
ташкilotи, савдо чегирмаси,  
психотроп моддалар,  
биологик актив қўшимчалар,  
экспертиза, мол-мулкларни  
олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ  
қилиб ташлаш.

### ABSTRACT

мазкур мақолада давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкнинг ўзи нима эканлиги, унинг қандай турлари мавжудлиги, шунингдек мазкур мол-мулкларни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш қандай ҳуқуқий нормативлар асосида ва тартибда амалга оширилиши очиб берилиб, ушбу соҳанинг самарадорлигини ошириш истиқболларини ва имкониятлари таҳлил қилинди.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк ўзи нима? Нима учун ушбу мол-мулклар давлат даромадига ўтказилиши керак? Ушбу ҳаракатлар қандай қонуний асосларда ва тартибда амалга оширилиши керак? Мақола мавзусини ўқиган ҳар бир муштарийда шу каби саволлар туғилиши табиий. Чунки мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз мулкига эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши билан боғлиқ мулк ҳуқуқини кафолатловчи мулк дахлсизлиги Конституция<sup>1</sup> ва қонун даражасида таъминланган. Шунингдек, давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг айнан мулк дахлсизлигини таъминлашга оид ўз мажбуриятини бажариш ҳисобланади.

Юқоридаги саволларга жавоб топиш мақсадида, тегишли мол-мулкларни давлат даромадига ўтказиш масалаларига эътибор қаратамиз. Бундай мол-мулклар фақат ва фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/19/563/3685-сон;

давлат даромадига ўтказилиши мумкин<sup>2</sup>. Таъкидлаш лозимки, давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, баҳолаш ва сотиш, шунингдек уни йўқ қилиб ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

Вазирлар маҳкамасининг мазкур қарорида кўрсатилган товарлар, хомашёлар ёки бошқа буюмлар «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ташкил қилади.

Биринчи навбатда, давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш тартибига тўхталадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айтиб ўтган Низомнинг 2-бандида назарда тутилган мол-мулкни олиб қўйиш ваколатли орган мансабдор шахси томонидан белгиланган тартибда ва асосларда амалга оширилади.

Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахси томонидан протокол расмийлаштирилиб, унда тузилган вақти ва жойи; протоколни тузган шахснинг лавозими, маълумоти; мол-мулк эгаси ва мол-мулк олиб қўйилган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, паспортига оид маълумотлар ва шу кабилар); мол-мулкни олиб қўйишда иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар бўлса; ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг мазмуни; мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати; олиб қўйилаётган ҳар бир буюмнинг номи ва миқдори, унинг ўзига хос белгилари (оғирлиги, узунлиги ва бошқалар) каби маълумотлар ўз аксини топган бўлиши керак

Шунингдек, мол-мулк олиб қўйилгандан сўнг ваколатли орган мансабдор шахси бир сутка муддат ичида мол-мулкни сақлаш учун жойлаштириш масаласи ҳал қилади. Яъни қоидада кўра, сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бошқармалари мол-мулкни сотиш бўйича хизматлар кўрсатишга белгиланган тартибда шартномалар тузган ва мол-мулкни сақлаш учун тегишли жойларга эга бўлган савдо ташкилотларига берилади. Божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулк «Божхона-сервис» давлат муассасаси ёки унинг ҳудудий бўлимларига берилади.

Эндиги навбатда, давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни сотиш тартибига аҳамият қаратамиз. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотиш, автомобилотранспорт воситалари ва кўчмас мулкдан ташқари, шартнома-воситачилик

<sup>2</sup> Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар бўйича қўлланма. Ғ. Хидоятлов [ва бошқ.]; ЎзР Адлия вазирлиги, Япония Халқаро Ҳамкорлик агентлиги (JICA). –Т.: «Sharq», 2011. – 400 бет.

асосида ёхуд кимошди савдоси шартларида амалга оширилади. Автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулк эса белгиланган тартибда ихтисослаштирилган очиқ кимошди савдоларида сотилади.

Мол-мулкни сотиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ўтказиладиган танлов асосида савдо ташкилотлари томонидан

Божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкни сотиш «Божхона-сервис» ДМ томонидан амалга оширилади.

Мол-мулкни баҳолашни ташкил этиш давлат ижрочиси томонидан амалга оширилади. Давлат ижрочиси алоҳида кўчар мол-мулкнинг шартномавий нархини фақат алоҳида олинган мол-мулк қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан, мол-мулк жами қиймати эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ошмаган тақдирдагина, баҳоловчи ташкилотни жалб этмаган ҳолда мустақил белгилаши мумкин, автоматотранспорт воситалари бундан мустасно.

Мол-мулкни сотиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан шартномалар ушбу савдо ташкилотлари билан Бюронинг ҳудудий бошқармалари томонидан тузилади. Сотилиши учун махсус рухсатномалар (лицензиялар) ёхуд сотиш ёки сақлаш учун махсус шарт-шароитлар талаб қилинадиган мол-мулкнинг айрим турлари (қимматбаҳо металллар ва тошлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, бошқа нефть маҳсулотлари ва ҳоказолар) Бюронинг ҳудудий бошқармаси билан тузилган шартнома асосида танлов ўтказилмасдан сотиш учун тегишли ташкилотларга берилиши мумкин. Истисно ҳолларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулк сотилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича давлат органларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш учун уларга текин берилиши мумкин.

Савдо ташкилотлари ўзининг мол-мулкни қабул қилиб олиш ва сотиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун шартномада белгиланган, бироқ сотилган мол-мулк қийматининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган сотилган мол-мулк савдо чегирмасини ўз фойдасига ушлаб қоладилар. «Божхона-сервис» ДМ мол-мулкни қабул қилиб олиш ва сотиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун сотилган мол-мулк қийматининг 15 фоизи миқдорида савдо чегирмасини ўз фойдасига ушлаб қолади. Бундан ташқари, мол-мулкни сотишдан олинган пул маблағларини ўтказиш учун Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) тегишли бўлимлари томонидан банкда махсус ҳисоб рақами очилади ҳамда уларнинг ҳисоб рақамига тушган пул маблағлари 3 банк куни мобайнида Низомнинг 53-бандида кўрсатилган тартибда тақсимланади. Мол-мулкнинг Бюро ходимлари, солиқ, молия, божхона, суд, прокуратура, ички ишлар, адлия, Давлат хавфсизлик хизмати органлари ходимлари, экспертизани амалга оширган мутахассислар, баҳоловчи ташкилот ходимлари, шунингдек ушбу мол-мулкни сотувчи ташкилотлар ходимлари томонидан сотиб олиниши тақиқланади.

Шу билан бирга, мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш тартибига эътибор қаратамиз. Низомда айнан қандай мол-мулклар мажбурий тарзда йўқ қилиб ташланиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Булар:

этил спирти (озиқ-овқат спирти), алкогольли маҳсулотлар ва пиво;

тамаки маҳсулотлари;

дори воситалари ва тиббий буюмлар;

озиқ-овқатга биологик актив қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари;

экспертиза хулосасига кўра бевосита истеъмол (фойдаланиш) учун яроқсиз деб тан олинган озиқ-овқат товарлари ва бошқа товарлар;

мажбурий сертификатланиши керак бўлган, сертификатлаш органининг хулосаси билан стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ эмас деб эътироф этилган маҳсулотлар;

асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхалари, улар ҳуқуқ эгасининг илтимоси бўйича уларга берилган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек контрафакт асарлар ва турдош ҳуқуқлар объектларини тайёрлаш ва такрорлаш учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналар<sup>3</sup>.

Қурол-яроғ, ўқ-дорилар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар эса қонунчиликка мувофиқ ички ишлар ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати органлари томонидан йўқ қилинади. Давлат ижрочиси тегишли ижро ҳужжати олинган кундан бошлаб бир иш куни ичида ижро ишини қўзғайди ва ушбу Низомнинг 47-бандида кўрсатилган шахсларни мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш жойи ва санаси тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

Бунда давлат ижрочиси ушбу вақтдан бошлаб ўзининг тасарруфига ўтадиган сақлашда бўлган йўқ қилиб ташланиши керак бўлган мол-мулк рўйхатини тузади. Йўқ қилиб ташланиши керак бўлган мол-мулк рўйхати тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади, далолатнома давлат ижрочиси, мол-мулкни олиб қўйишни амалга оширган органнинг мансабдор шахси, шунингдек мол-мулкнинг сақланиши учун масъул шахс томонидан имзоланади.

Мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ижро ишини қўзғаш тўғрисида қарор чиқарилган кундан бошлаб 7 кундан кечикмай давлат ижрочиси томонидан, қуйидагилардан:

мол-мулкни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органининг вакили;

санитария-эпидемиология хизмати органининг вакили;

олиб қўйилган мол-мулкнинг сақланиши учун масъул шахс (ташкилот вакили);

---

<sup>3</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 15-июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.07.2009 й.

камида икки нафар холис гувоҳдан иборат таркибда тузиладиган комиссиянинг мажбурий тартибдаги иштирокида амалга оширилади.

Статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, биргина Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий юронинг Тошкент шаҳар бошқармасининг ўзида иш юритувидаги давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ 2023 йил давомида жами 19.091 та 156,7 млрд. сўмлик ижро ҳужжатлари бошқарма иш юритувида келиб тушган бўлиб, шундан, 6.481 та ижро ҳужжатлари бўйича 10,3 млрд. сўмлик товар моддий бойликлар далилий ашёлар йўқ қилинган ҳамда 579 та ижро ҳужжатлари бўйича 41,8 млрд. сўмлик товар моддий бойликлар қонуний эгаларига қайтарилган. Шунингдек, 680 та ижро ҳужжатлари бўйича 12,8 млрд. сўмлик товарлар сотилишига ва органлар депозитида сақланаётган пул маблағлар давлат даромадига ўтказилишига эришилган ва сотувдан келиб тушган пул маблағлари Низом талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.11.2020 йилдаги ПФ-6118-сон Фармонида асосан тақсимланган (темир дафтар, аёллар дафтари, ёшлар дафтари, маҳаллий бюджет, мол-мулкни олиб қўйган орган, МИБни ривожлантириш жамғармаси).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқоридаги маълумотлар ҳамда статистик кўрсаткичлар ушбу йўналишнинг қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди. Жаҳонда Ўзбекистон суд ижрочиларининг халқаро ташкилоти (UIJ - International Union of Judicial Officers)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида World Justice Project халқаро нодавлат ташкилоти томонидан юритиладиган дунё мамлакатларининг 2023 йилдаги Ҳуқуқ устуворлиги индексида

6.5-омили “ҳукумат одамлар ва корпорацияларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ёки қилмаслиги, хусусий мулкни ноқонуний олиб қўйишдан сақланилиши ва мулк қонуний равишда давлат даромадига ўтказилиши билан боғлиқ ижро ҳаракатларининг самарадорлиги ва ўз вақтида бажарилиши” бўйича 142 та давлат ичида 137-ўринни эгаллаб турибди. Бу эса, ижро этиш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини халқаро даражада мустаҳкамлаш, судларининг қарорлари ижросини ташкил этиш самарадорлигини ошириш, жаҳон ҳамжамиятида суд ҳужжатларини ижро этиш соҳасида шаклланган тажриба ва амалиёт таҳлили асосида ўрганишни талаб этмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023. Олий Мажлис Ахборотномаси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023-й., 03/23/837/0241-сон;
2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни.
3. 12.03.2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш

<sup>4</sup> <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/factors/2023/Uzbekistan/> Кириш санаси 24.12.2023 йил

чоратадбирлари  
4236-сонли Қарори;

тўғрисида”ги

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 15-июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.07.2009 й.

5. Ҳамидов А.О. Мажбурий ижро бюросида фойдаланиладиган процессуал ҳужжатлар намуналари. Услубий қўлланма // – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси, 2020. – МЧЖ “IMPRESS MEDIA. 314 б.

6. Тадбиркорлик соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар бўйича қўлланма. Ғ. Хидоятлов [ва бошқ.]; ЎЗР Адлия вазирлиги, Япония Халқаро Ҳамкорлик агентлиги (JICA). –Т.: «Sharq», 2011. – 400 бет.

7. 11.09.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Автомототранспорт воситаларини давлат даромадига ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 707-сонли Қарори



INNOVATIVE  
ACADEMY